

ОТАДЕК УЛУҒ, БАҒРИКЕНГ УСТОЗ

Миррахимова Самира Юсуп қизи

Тошкент тиббиёт академияси, даволаш факултети

2 курс талабаси

*Ёдга олинг борлиқ олам жаҳонни, хар бир ўтган азиз азиз инсонни.
Дуо қилинг мустаҳкам қилиб иймонни, Хотира муқаддас, хотира мангу.....*

Устоз, мураббий, ўқитувчи – бу сўзларни эшитганимиз сари кўз олдимизда маъсулиятли касб эгалари, йиллар давомида ўқувчиларга билим бериб кўзидан нури кетган, сочларига оқ оралаган инсонлар гавдаланади, масалан академик Турғунпўлат Абидович Даминов.

Турғунпўлат Даминов 1941 йил 25 апрелда Тошкент шаҳрида туғилди. 1964 йил Тошкент давлат тиббиёт институти (ҳозирги Тиббиёт академияси)ни тугатиб, меҳнат фаолиятини мазкур олий таълим муассасасида стажёр-тадқиқотчиликдан бошлади. Кейинчалик аспирантурада таҳсил олди. Дастлаб номзодлик, сўнгра докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди. 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги этиб сайланди.

Заҳматкаш олим ўзининг қарийб 60 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Тошкент давлат тиббиёт институти доценти, кафедра мудири, ректори (1990–2005 йй.), Тошкент педиатрия илмий-текшириш институти директори (1983- 1990 йй.) лавозимларида самарали меҳнат қилди. Тошкент тиббиёт академиясида ёшларга сабоқ бериб, юқори малакали кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшди. Ҳозирги кунда Тошкент тиббиёт академиясида «Академик Даминов» номли номдор стипендия таъсис этилган бўлиб, биз ёшларга ўрнак олиш учун кўмак беради.

Турғунпўлат Даминов ўз илмий фаолиятида индукторларни болалар касалликларига татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, кўп йиллик изланишларидан сўнг янги турдаги бензонал индуктор амалиётда қўллана бошланди. Натижада, ўткир ва давомли гепатит касаллигининг сурункали шаклга ўтмаслигини таъминлаб берадиган асосий препарат даволаш жараёнига самарали жорий этилди. У мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида ҳам фаол иштирок этиб, Олий Мажлиси депутати сифатида самарали фаолият олиб борди.

Академик Турғунпўлат Даминовнинг мамлакат илм-фанини ривожлантириш йўлидаги хизматлари ҳукумат томонидан муносиб эътироф этилган. У «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган шифокор» фахрий унвони, «Дўстлик» ва «Эл-юрт ҳурмати» орденлари билан мукофотланган эди. «Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Турғунпўлат Обидович

Даминовнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади» Т. А. Даминов меҳнат фаолиятини 1969 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтида ассистент лавозимида бошлаган. Ушбу муассасада доцент, кафедра мудирини бўлиб ишлаган. Келгусида самарали фаолиятини Педиатрия илмий-тадқиқот институти директори, биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти ректори, Тошкент тиббиёт Академияси юқумли касалликлар ва Педиатрия кафедраси мудирини, шу кафедра профессори лавозимларида давом эттирди. Турғунпўлат Абидович мамлакатимизда соғлиқни сақлашни ривожлантириш, тиббиёт фанларининг долзарб масалаларини ўрганиш, юқори малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшди.

Академик Т. А. Даминов тиббиётнинг назарий ва амалий масалалари бўйича 500 дан ортиқ илмий мақолалар, 6 та дарслик, 14 та монография, 45 дан ортиқ услубий тавсиялар ва қўлланмаларга эга.

Хусусан, тиббиётнинг педиатрия ва юқумли касалликлар каби муҳим йўналишларини шакллантириш ва бойитиш учун ўзининг илмий мактабини яратди. Олимнинг бевосита назорати остида 21 докторлик ва 43 докторлик диссертациялари тайёрланди. «Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Турғунпўлат Абидович Даминовнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади».